

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

**МАТЁҚУБОВА ТОЗАГУЛ РАЖАПОВНА**

УДК 8 (575.1) (092) Огаҳи

**ОГАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙ  
ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ**

10.01.03 - Миллий адабиёт тарихи (Ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент - 2001

Тадқиқот Урганч давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

Қорақалпоғистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор **Х.АБДУЛЛАЕВ**

Расмий оппонентлар: - филология фанлари доктори, профессор **С.ҲАСАНОВ**

- филология фанлари номзоди **М. МИРЗААҲМЕДОВА**

Етакчи илмий муассаса: Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети

Ҳимоя 2001 й. «12 декабр» кuni соат 14<sup>00</sup> да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д 015.04.01 рақамли докторлик илмий даража эли бериш учун диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

(Манзил: 700170, Тошкент – 170, И.Мўминов кўчаси, 9-уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

(Манзил: 700170, Тошкент-170, И.Мўминов кўчаси, 13-уй).

Автореферат 2001 йил 12 ноябрь кuni тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори



**А.А.ЖАЛОЛОВ**

## ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ёзма адабиётнинг ўзига хос анъаналари мавжуд бўлиб, бу анъаналар бевосита адабиётшуносликнинг кўп соҳалари билан боғлиқдир. Мумтоз адабиётнинг асрлар оша давом этиб келаётган ана шундай анъаналаридан бири ижодкорнинг халқ маънавий бойлигини, диний ва ахлокий қарашларини пухта эгаллаб, ундан ижодий фойдаланишида кўринади. Бу ҳолат ўтмиш шоирларимизнинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда кенг тарқалган образларга маълум бир ғоявий-эстетик мақсад билан мурожаат этишларида янада яққолроқ намоён бўлади.

Мумтоз шеъриятдаги анъанавий образларни алоҳида шоир асарлари, хусусан, лирикаси асосида таҳлил этиш ўша ижодкор дунёқарашни, бадий маҳорати, истеъдоди қирраларини теранроқ идрок қилиш ва кашф этишда кўл келади.

Шубҳасиз, ўзбек адабиёти тарихининг ҳар бир даврига оид шоирлар ижодий меросини анъанавийлик, ўзига хослик ва индивидуаллик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш лозим. Ҳозирги даврда миллий ва тарихий-маънавий меросимизга эътиборнинг органлиги, ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги боис бундай муҳим тадқиқотларга эҳтиёж кучлидир. Зеро, ўзликни англаш ўтмиш қадриятларимиз ва тарихни билишдан бошланади.

Тарихимиз ҳамда адабиётимизни тўғри тушуниш омилларини излаш қадриятларимизни тиклашга кўмаклашади. Биз маданиятимиз ва тарихимизда чуқур из қолдирган сиймоларни ардоқласак, ижодини ўргансак, келгуси авлод учун маданий тараққиётга йўл очган бўламиз.

Ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, уни ворисийликка таянган ҳолда янги тараққиёт поғонасига кўтарган маданиятимиз, тарихимизда чуқур из қолдирган ижодкорлардан бири Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Оғаҳийдир. Презилентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Хоразм ва Хива заминида яшаган Пахлавон Махмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузний, Сулаймон Боқирғоний, Баховаддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолиддин Ғумий, Абул-Қосим ал-Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирождин Саккокий, Мунис, Оғаҳий, Баёнӣ, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола бахши каби ўнлаб ва юзлаб алломалар, шоир ва



санъаткорлар номини биз бутунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кўтарамиз»<sup>1</sup>.

Огаҳий лирикасига анъанавий образлар таъсир этганини ўрганиш, уларни қиёсий тадқиқ этиш – XIX аср ўзбек адабиётининг янги қирраларини ёритиш, шоирнинг индивидуал услуби, тили ва бадиий-эстетик маҳоратини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Шоир лирикасидаги айрим анъанавий образларни ўрганиш ва ўрнини белгилаш – адабиётшунослигимиз, тарихимиз ва кадриятларимизни англаш ҳамда ҳис қилишимизга маънавий кўмак бериши шубҳасиздир.

Тадқиқот анъанавий образларнинг оғзакидан ёзма шаклга ўтиши, айрим мифологик ва диний-тарихий образларнинг Огаҳий поэтик талқинидаги маъно-моҳияти тадқиқига бағишланган. Унда ўзаро алоқадорликда бўлган диний ҳамда дунёвий қарашлар муштараклиги, турли адабий қатламларнинг Огаҳий ижодига ўтиши ва ривожи муаммолари қамраб олинган.

Юқоридаги масалаларни Огаҳий лирикаси мисолида кўрсатиш ва илмий асослаб бериш ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади баъзи мифологик ва диний-тарихий образларнинг Огаҳий лирикасидаги ўрни ва талқинини кўрсатишдир. Мазкур мақсадга эришишда XIX аср ўзбек адабиётининг ғоявий-эстетик тараққиёти ва такомилида муҳим ўрин тутган анъанавий образларнинг ёзма адабиёт билан ўзаро таъсири ва бойиши масаласини диққат марказида тутиб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга уриндик:

- поэтик анъана ва ўзига хослик масалаларини Огаҳий лирикасидаги анъанавий образлар билан боғлиқликда тадқиқ этиш;

- ўзбек фольклоридаги мифологик ва демонологик образларнинг шир талқинида муайян семантик ўзгаришларга учраганлигини ёритиш;

- Огаҳийнинг мифологик, диний-тарихий образлардан ижодий фойдаланиш ва ўзига хос кашф этишдаги поэтик маҳоратини илмий асослаш;

- ёзма адабиёт ва фольклорга хос анъанавий образлар ҳамда бадиий тасвир воситаларининг мумтоз адабиётдаги

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. - 1997. - 21 окт.

кўринишларини қиёсий таҳлил этиш;

- диний-тарихий образларнинг ўзбек шеърляти, хусусан, Огаҳий лирикасидаги истиоравий-мажозий моҳиятини кўрсатиш;

- халқ дунёқараши, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатлари ҳамда турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган фольклор образларининг ёзма адабиётга кўчиб ўтишини Огаҳий ижоди мисолида кўрсатиш;

- шоирнинг фалсафий, ахлоқий қарашларини, лирик қаҳрамоннинг ранг-баранг руҳий оламини, ишқий муносабатларини теранроқ ёритиш ва Огаҳийнинг ўзига хос санъаткорлигини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг манбалари ва объекти.** Ишга Огаҳий лирикаси объект қилиб олинди. Диссертация учун асосий манба вазифасини Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девони бажарди. Гулом Каримов ва Субутой Долимов томонидан нашрга тайёрланган шоир асарларининг 1971-1972 йилларда чоп этилган биринчи ва иккинчи жилдларига таяндик. Зарур ўринларда матнларни қиёслаш учун Раҳмат Маждий нашрга тайёрлаган «Таъвиз ул-ошиқин» девонига, хусусан, Ш.Шарафиддинов (Хуршид) ва Ф.Ғанихўжаев чоп қилдирган девондан парчалар («Ишқ аҳлининг тумори». - Т.: Мерос, 1999) га ҳам мурожаат қилдик. Шунингдек, диссертация мавзуси билан алоқадор илмий ва адабий манбалардан қиёсий таҳлиллар учун фойдаландик.

**Мавзунинг ўрганилиш тарихи.** Огаҳий лирикасини тўплаш, тарғиб қилиш ва ўрганиш юзасидан амалга оширилган тадқиқотларни тарихий давр ҳамда характериға кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Огаҳий шахсияти ва лирикасининг ўзига хослиги ҳақидаги тарихий қайдлар, таъриф ва ётирофлар. Бундай ҳаракатлар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Муҳаммад Юсуф Баёний, Ҳасанмурод Қори Лаффасий, Комил Хоразмийлар томонидан амалга оширилган<sup>1</sup>.

2. XX асрнинг 50-йилларидан миллий истиқлолгача бўлган даврда амалга оширилган тадқиқот ва изланишлар. Бу даврда турли тўплам, мажмуалар тузилди, шоир асарларининг сайланма-

<sup>1</sup> Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий // Мерос туркуми. - Т.: Камалак, 1991. - Б. 175-265; Лаффасий. Таъкирии шуаро. - Урганч, 1992; Девони мавлоно Комиъ маъ таворихи шоҳони Хоразм. Лит. Г.Яковлева. - Т., 1327 ҳижрий. - Б. 26.

лари нашр этилди<sup>1</sup>. В.Абдуллаев, А.Қаюмов, В.Зоҳидов, Р.Мажидий, С.Долимов, Ф.Каримов, Ф.Ғанихўжаев каби олим-таримиз аннотациялар, мақолалар, монографиялар, дарслик ва қўлланмалар, шоир асарларининг тавсиф (каталог)ларини тузишга куч сарфладилар<sup>2</sup>. Амалий ва илмий характердаги бундай изланишларда шоирнинг фалсафий-эстетик қарашлари, бадийи маҳорати, лирикасининг асосий хусусиятлари билан боғлиқ масалаларда ижтимоийлик тамойилига асосланган бўлса-да, бу тадқиқотлар адабиётшунослигимиз учун катта аҳамият касб этади.

3. Миллий истиклол даври огаҳийшунослигида шоир лирик меросига бўлган янгича муносабат шаклланди, ўзига хос талқинлар юзага келди. Бу даврда А.Абдуғафуров, Ф.Ғанихўжаев, А.Пиримқулов, М.Матёқубова, Г.Холлиева каби олимлар томонидан Огаҳий лирикаси илмий, ҳолисона баҳолана бошланди, ижодий мероси адабиёт ихлосмандларига егказиб берилди<sup>3</sup>. Огаҳийнинг ўзига хос услуби, санъаткорлик маҳоратидан баҳс этувчи мақолалар тўптами яратилди<sup>4</sup>.

Мавжуд тадқиқотлар огаҳийшуносликнинг эътиборидан четда қолиб келастган «Огаҳий шеърятда анъанавий образлар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек адабиёти хрестоматияси. Т.2. - Т.: Ўздавнашр, 1945; Ўзбек поэзияси антологияси. - Т.: Ўздавнашр, 1948; Ўзбек адабиёти. 3-том. - Т., 1960; Ўзбек шеърятини антологияси. 5 томлик. Ғ. 3. - Т.: Бадийи адабиёт, 1961; Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. - Т., 1960, Огаҳий. Асарлар 100 жилдлик. Ж. I. Девон. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1971; Ж. II. Девон. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.

<sup>2</sup> Абдуллаев В. Алишер Навоий анъаналарининг хоразмлик шоирлар томонидан давом эттирилшига донр // Шарқ юлдузи. - 1959. - № 4. - Б. 127-137; Қаюмов А. Муҳаммад Ризо Огаҳий // Қизил Ўзбекистон. - 1959. 17 сент.; Зоҳидов Ч. Огаҳий // Ўзбек адабиёти тарихидан. - Г.: Уздабийнашр, 1961; Мажидий Р. Огаҳий лирикаси: Филол.фанлари номзоди... дис. автореф. - Т., 1961; Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. - Т., 1963; Каримов Ғ., Долимов С. Муҳаммад Ризо Огаҳий // Халқ тарих, адабиёт. - Т., 1977. - С. 156-183; Ғанихўжаев Ф. Огаҳий асарларининг тавсифи. - Т.: Фа., 1986.

<sup>3</sup> Абдуғафуров А. Муҳаммад Ризо Огаҳий. - Т.: Мерос, 1999; Ғанихўжаев Ф. «Таъвиз ул-ошиқин» девони ва унинг илмий-танқидий матни: Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. - Т., 1998; Пиримқулов А. Огаҳий маснавийлари: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. - Т., 1998. Матёқубова М. Огаҳий лирикасида кичик жанрлар: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 2000; Холлиева Г. Огаҳий мусамматлари: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. - Т., 2000.

<sup>4</sup> Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон: (Огаҳий ҳақида мақолалар). - Т.: Мерос, 1999.



талқини» мавзусида монографик тарзда тадқиқотлар олиб боришимизга замин ҳозирлади.

Шунингдек, мавзуимизни ёритишда диний, тасаввуфий, тарихий-адабий, этнографик характердаги, адабиёт ва фольклор мунъсабатлари очиб берилган манба ва тадқиқотлардан фойдаландик<sup>1</sup>.

Биз танишган манбалар шуни кўрсатадики, ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзaro таъсири масаласини ўрганиш, хусусан, муайян давр шоирлари асарларида анъанавий образларга хос хусусиятларнинг намоён бўлишини тадқиқ этиш борасида маълум тақриблар тўпланган. Бироқ XIX аср шоирлари, айниқса, Огаҳий ижоди ушбу тарзда илк бор ўрганилмоқда.

Тадқиқотимизда мифологик ва диний-тарихий образларнинг қўлланиш даражаси, генезиси, тадрижий такомилли, ўзига хос хусусиятига кўра таснифланиши, анъанавийлик моҳиятига кўра Огаҳий лирикасига кириб келиши ҳамда тугган мавқеи алоҳида эътибор билан ўрганилган.

Мумтоз шеърятимизда бир қатор анъанавий образлар мавжуд бўлиб, улар адабий тушунча сифатида кенг маънода талқин қилинади.

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. //Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. - Т.: Чўлпон, 1992; Рабғузий. Қисаси Рабғузий. К. 1. - Т.: Ёзувчи, 1990; Рабғузий. Қисаси Рабғузий. К. 2. - Т.: Ёзувчи, 1991; Навоий Алишер. Тарихи анбиё ва ҳукамо // Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. - Т.: Фан, 2000. - Б. 99-197; Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. - М.-Л.: Изд. АН СССР, 1948; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. - Т. Адабиёт ва сан'ат, 1974; Хакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. - Т.: Фан, 1979; Расулов Х. Ўзбек классик шеърятига халқчилик. - Т., 1982; Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. - Т., 1994; Хўжаев Т. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 1996 ва бошқалар. Сейидов М. Азербайжон мисли гафаккурининг гайнаглари. - Баку, 1983; Сакали М. Туркменский сказочный эпос. - Ашхабад: Изд. АН Туркм.ССР, 1956; Каскабасов С.А. Казахская волшебная сказка. - Алма-Ата: АН КазССР, 1972; Максетов К. Фольклор ҳам адабият. - Нокис, 1975; Померанцева Э.В. Мифологические персонажи в русском фольклоре. - М.: Наука, 1975; Кароматов Х. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил): Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. - Т., 1993; Хусанов Н.А. XV аср адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри... дис. автореф. - Т., 2000.

Ушбу ишимизда Огаҳий шеърятда алоҳида аҳамиятли ва характерли бўлган Хизр, пари, дев, аждар, иг сингари мифологик, Исо, Юсуф, Нух, Айюб, Сулаймон каби пайғамбарлар, Қорун, Искандар, Мажнун каби тарихий-адабий қаҳрамонлар образларининг шоир ижодидаги маъно-моҳияти таҳлил этилди.

**Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари ва таҳлил методлари.** Тадқиқот мақсадини амалга ошириш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилишда бизга мамлакатимиз ҳамда хорижий фольклоршунос, элшунос, адабиётшунос, қисман, тарихчи олимларнинг мавзумизга оид фикр-мулоҳазалари, илмий асар ва мақолалари илмий-назарий қарашлари муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, истиқлол мафкураси ғояси билан суғорилган ва сўнгги йилларда эълон қилинган манбалар тадқиқотнинг назарий-методологик асосини белгилаб олишимизга ёрдам берди.

Илмий ишда бир қатор атоқли адабиётшунос, фольклоршунос олимларимизнинг ҳамда рус ва хорижий шарқшунос олимларнинг назарий тажрибаларига таянилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва жалб этилган материаллар асосидан келиб чиқиб тарихий-қиёсий, тарихий-таснифий (типологик) ва таҳлилий (аналитик) методлар асосида иш қўрилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ёзма адабиётда фаол қўлланилган мифологик ва диний-тарихий образларнинг анъанавийлиги, генезиси, тадрижий тақомили, айрим образларга хос индивидуал хусусиятлар, моҳияти ва мумтоз шеърятга тадбиқ этилиши шоир лирик мероси мисолида алоҳида кузатилди. Улар маълум кирраларига кўра тасниф қилиниб, Огаҳий маҳорати ва давр таракқиётига боғлаб ўрганилди.

Огаҳийнинг умуминсоний муаммолар хусусида мулоҳаза юритиши, диний-ахлоқий, фалсафий қарашларини ифодалашида, инсон руҳий дунёсини теранроқ очиб беришида анъанавий образлар муҳим ижодий манба сифатида аҳамият касб этганлиги ёритилди. Огаҳий маҳоратининг тақомиллашуви хусусидаги кузатишлардан чиқарилган маълум хулосалар тадқиқотнинг илмий янгилигини белгилайди.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Ушбу диссертацияда анъанавий образлар ва уларнинг ўзбек ёзма адабиётидаги талқини ва илдизларининг тадрижи Огаҳий лирикаси мисолида ўзаро таъсир нуқтаи назаридан таҳлил этилди. Образнинг оғзақидан ёзма шаклга кўчиш хусусиятлари шеърини асарлар таснифи ва таҳлили



орқали кўрсатилди. Оғаҳий лирикасининг салафлари ижоди билан киёсий ўрганилиши XIX аср шеърятининг бой хазинасини тушунишга қаратилди. Қуръондаги образларнинг тадқиқ қилиниши диний ва дунёвий адабиётлар муштараклигини юзага келтирган. Шoir лирикасининг теран таҳлили мумтоз адабиётнинг нозик жиҳатларини англаш, ҳис қилиш имконини беради.

Диссертациянинг натижа ва хулосалари XIX аср ижодкорларига ҳос хусусий ва умумий жиҳатларни тадқиқ қилишда фойда келтириши мумкин. Ишда кўтарилган масалаларга доир фикр-мулоҳазалар «Анъана ва маҳорат», «Фольклор ва адабиёт» мавзулари атрофида баҳс юритишда, шу мавзуда монографик тадқиқот яратишда ёрдам бериши мумкин.

Тадқиқотнинг натижаларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида мумтоз адабиёт тарихи, фольклор-шунослик бўйича ўқиладиган маърузаларда, ма.сус курс ва семинарларда, яратилажак ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликларга фойдаланиш мумкин.

Ишнинг жорийланиши. Диссертация Урганч давлат университетининг Ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилди. Унинг якунланган варианты шу университетнинг Ўзбек адабиёти кафедрасида, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ХҮІ-XIX асрлар адабиёти ва Фольклор бўлимларининг кўшма мажлисида, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ХҮІ-XIX асрлар адабиёти ва Фольклор бўлимлари ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети қошида ташкил этилган илмий семинарларда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Тадқиқот натижалари ҳақида диссертант Урганч давлат университети профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманларида (1995-1998-1999-йилларда) маъруза қилган. Диссертация мавзуси бўйича вилоят ва республика миқёсида чоп этиладиган турли журнал ва тўпламларда муаллифнинг 12 та илмий мақола ва тезислари нашр қилинган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ўрганилиш

даражаси, тадқиқотнинг манбалари ва объекти, назарий-методологик асослари ва таҳлил методлари, илмий янгилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, жорийланиши ҳамда таркиби ёритилган.

Биринчи боб «Мифологик образлар поэтик восита сифатида» деб номланган бўлиб, «Анъана ва ўзига хослик», «Бадий-эстетик тафаккур ва образ такомили» каби фаслларни ўз ичига олади. Мазкур боб ва унинг муайян фаслларида Хизр, пари, дев, аждар, 111 сингари мифологик образларнинг фольклор ва ёзма адабиётдаги генезиси, эволюцияси, Огаҳий лирикасида қўлланилиш сабаблари, бундан шоирнинг кўзлаган мақсади, поэтик маҳорати таҳлил қилинади.

Сўз санъатининг дастлабки намуналари қадим замонларда яратилган бўлиб, уларда инсониятнинг порлоқ келажак ҳақидаги орзу-ниятлари турли мифологик образларда акс эттирилган. Қадимги миф ва афсоналарда яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги илк тасаввурлар мужассамлангани сабабли мифологик образлар эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш фониди газдаланади<sup>1</sup>.

Халқ ҳаёти ва ижодидан олнган илхомгина бадий маҳоратнинг янада жозибалироқ бўлишини таъминлай олади. А.Н.Веселовский адабиётга мифларнинг таъсири катта эканини, кўпгина сюжетлар ўз илдизлари билан мифологияга бориб тақалишини қайд қилиб ўтади<sup>2</sup>.

Азал-азалдан мумтоз шоирларимиз асосий ғояни ойдинлаштириш, янада чуқурлаштириш мақсадида мифологиядан кенг фойдаланишган. Шоирларимиз лирик қаҳрамон руҳий оламини кашф этишда фольклор ва ёзма адабиётда фаол қўлланиладиган мифологик образларга мурожаат қилишган.

Огаҳий лирикиси ҳам анъанавийликка ҳамоҳанг бўлиб, шоир лирик қаҳрамоннинг ранг-баранг ҳолатини ёритиш, фалсафий-эстетик қарашларини тулақонли ифодалаш ниятида турли хил мифологик образлардан фойдаланган.

<sup>1</sup> Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди / Ун-т ва пед. ин-т студентлари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1990. 43-45-бетлар.

<sup>2</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М., 1989.

Мумтоз адабиётда, хусусан, Огаҳий ижодида фаол қўлланилган образлардан бири Хизр бўлиб, адабиётчиносликда бу образнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд<sup>1</sup>.

Хизр ўзининг ранг-баранг хислатларига эга. Унинг учун илк нисбат доимий барҳаётлиги, тириклик сувининг эгаси эканлигидир. Хизрнинг тириклик суви жонсизга жон ато қилишга қодир. У кеча-кундуз дунё кезиб юради.

Мифологик образлар ичида нисбатан қадимий бўлган Хизр образида пир ва мураббийлик, нажоткор ҳомийлик хусусиятларини ҳам кузатиш мумкин<sup>2</sup>.

Алишер Навоий асарларида Хизрнинг пайғамбарлиги, нажоткор ҳомийлиги ҳақидаги фикрлар кузатилади<sup>3</sup>.

Класик шеърятда Хизр ва унинг сифатларидан турли мақсадларда фойдаланилади.

Огаҳий лирикасида Хизр ўзининг турли жиҳатлари билан намоён бўлиб, у билан боғлиқ байтларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1. Маъшуқа аъзоларининг Хизр эга бўлган тириклик суви билан алоқаси ақс этган ўринлар. 2. Хизрнинг кийимига ва пайғамбарлигига ишора қилувчи байтлар. 3. Хизр умри билан боғлиқ ўринлар. 4. Хизр билан боғлиқ ўринларда илоҳий ишқнинг қуйланиши.

Огаҳий Хизрга хос сифатлар (тириклик сувига эгалиги, яшил кийимда бўлиши, пайғамбарлиги, боқий умр кўриши, ҳомий – нажоткорлиги) ни гоҳ маъқуллаш, гоҳ инкор этиш орқали маъшуқага бўлган муносабатларини ифодалайди. Лирик «мен»нинг дунёвий ва илоҳий ёрга бўлган интилишларини Хизрга хос хусусиятлар орқали кўрсатиб беради. Масалан шоирнинг қуйидаги

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е.Э. Роман об Александре. - М.-Л.: Изд. АН СССР, 1948; Саримсоқов Б.И. Ўзбек маросим фольклори. - Т.: Фан, 1986. 194-бет; Мифы народов мира. Т. II. - М.: Сов. Энцикл., 1982. - С. 576; Сейидов М. Азербайжон мифик тафаккурининг гайнанглари. - Баку, 1989. 86-бет; Хўжаев Т. Хизр образи ва унинг классик шеърятдаги талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1991. - № 2. - Б. 3-8.

<sup>2</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сеҳрли» рақамлар. - Т., 1991. 123-бет; Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1972, 160-бет; Сув қизи. Эртақлар. Ўзбек халқ ижоди. - Т.: Тошкент, 1966. 233-бет; Алпомиш. Достон / Айтувчи Берди Баҳши. - Т.: Ёзувчи, 1999, 8-бет.

<sup>3</sup> Навоий. Фарҳод ва Ширин. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1989, 107-114-бетлар; Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо // Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. - Т.: Фан, 2000. 129-бет.



байтида Хизрнинг пайғамбар эканлиги, яшил ранг билан алоқаси борлигига ишора қилинади:

*Хилъатин айлабмудур ул сарви мавзун қад яшил,  
Йўқса ахзар айламишдур Хизр пайғамбар либос<sup>1</sup>.*

Байтда маъшук либоси Хизр либоси рангига қиёсланади. Бу ўринда лирик қаҳрамоннинг муайян ҳолати, ички кечинмалари ёритила: борар экан, буни бўрттириш учун атайин махсус рангга урғу берилади.

Яшил - кўкариш, жонланиш, тириклик, уяиб-ўсишни англатади, шу билан бирга, Хизр кийимининг рангидир. Хизр бадий ижодда туни ва салласи яшил мўсафид қиёфасида гавдаланади. Арабларда яшил ранг илоҳий ҳисобланиб, шеърятда бу ранг исломий эътиқод рамзи сифатида талқин этилади. Демак, яшиллик аслида поклик, нурдай бокиралик, иллатлардан фориғлик рамзидир<sup>2</sup>.

Бинобарин, Огаҳий шунчаки ташқи либосга эмас, балки ҳар қандай нуқсонлардан ҳоли бўлган ва покизаликни ўзига шиор қилиб олган илоҳий зотни улуғлаган. Лирик қаҳрамоннинг нияти ана шу зотга бўлган чексиз муҳаббат ва самимиятни ифодалашдан иборат бўлиб, илоҳий зотгина бундай эъзоз ва ҳурматга лойик.

Пари образи ҳам халқнинг қадимий тасаввурлари билан боғлиқ бўлиб, унинг пайдо бўлиши, ўзбек шеърятига кириб келиши, маъно қирраларининг ривожланиши бевосита халқ мифологиясига бориб тақалади<sup>3</sup>.

Шеърятда пари идеал гўзаллик рамзи, ҳуснда ягоналик тимсоли сифатида талқин қилинади. Шу боис ҳам маъшуканинг бутун қилиқлари пари билан боғлиқ тарзда акс эттирилади.

Огаҳий ижодида пари образи кўп маротаба қўлланилиб, у орқали инсоний гўзаллик, хулқ-атвор ва одамийлик улуғланади,

<sup>1</sup> Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. Ж. I. Девон. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. 235-бет (бундан кейинги келтириладиган мисоллар ҳам шу нашрнинг 1-2-жилдларидан олинди, қавс ичида жилди ва саҳифаси кўрсатилди).

<sup>2</sup> Жуматовна Н. Хозирги ўзбек шеърятда пари билан боғлиқ рамзий образлар: Филол. фанлари номлари ... дис. автореф. - Т., 2000. 18-бет.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Рабғузий. Қисаси Рабғузий. - Т.: Ёзувчи, 1990, 13-15-бетлар; Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969; Ҳаққулов И. Санжирбанд шер қошида. - Т.: Юлдузча, 1989. 173-бет; Сув қизи. Эргақлар. Ўзбек халқ ижоди. - Т., 1966, 240-бет; Маликаи айёғ. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. - Т.: ЎзФан, 1988, 7-бет; Қаюмов О. Пари ҳақидаги халқ карашлари ва унинг тарихий асослари. Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материаллари. - Т., 1995, 60-61-бетлар.

романтик орзу-хаёллар тасвирланади. Тадқиқотда шоир ижодидаги пари билан боғлиқ байтларни қуйидагича гуруҳлаб ўргандик: 1. Маъшуқага «пари», «паризод», «париваш», «пари пайкар», «парирўй» деб нисбат бериш орқали ошиқ руҳиятидаги ўзгаришларни кўрсатиб берувчи байтлар. 2. Маъшукани паридан устун кўювчи ўринлар. 3. Бир байтнинг ўзида «пари», «хур», «малак», «фаришта» кабиларнинг биргаликда қўлланилиши орқали маҳбубанинг хусул-латофатда ягоналигининг акс эттирилиши. 4. Париларга хос сифат ва хусусиятларга ишоралар. 5. Парига учраган кишининг телба бўлиши ҳақидаги халқ тасаввурлари билан боғлиқ жиҳатлар.

Шоир ёзади:

*Қирғуси ҳуру пари девоналиг сахросига,  
Ишвау нозингнию гунжу далолингни кўруб* (1.104).

Халқ орасида тарқалган афсоналарга кўра парига йўлиққан киши ақлдан озади<sup>1</sup>. Байтда шоир бирмунча тесқари усулни қўллайди. Унда маъшуканинг ишва-ю нозини кўриб парилар девона бўлишади. Бундай тасвир шеърятда нисбатан кам учрайди ва уни Огаҳий пари ҳақида ёзган байтларининг энг муваффақиятли чиққанларидан бири десак бўлади.

Мумтоз шеърятимизда сув қизи, сув парисин образлари учрайди. Шоирлар бу образларга мурожаат этганда бевосита халқ оғзаки ижодидаги нақл ва ривоятларга таянишади<sup>2</sup>.

Огаҳий ижодида ҳам сув париси тилга олинади, маъшуканинг яхшилик ва гўзаллиги рутба-даражаси сув парисига тенглаштирилади:

*Хўблуқ авжига чиқгон қуёш осо қўбдур,  
Рутбада ўхшагусидур пари уммона санго* (1.56).

Диссертацияда бу каби пари ҳақидаги инонч-эътиқодлар, афсона ва ривоятлар билан боғлиқ Огаҳий шеърлари кенг ёритилиб, зарур ўринларда мумтоз шоирларимиз асарлари билан киёсан таҳлилга тортилди.

Бобнинг иккинчи фаслида дев, аждар, ит каби образларнинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги ўрни, асосий сифатлари, мумтоз шеърятда қўлланилиши, хусусан, Огаҳий ижодида намоён бўлиши, шоирнинг ундан кўзлаган мақсади, поэтик маҳоратига эътибор қаратилди.

Мифологик тасаввурларнинг энг қадимгиларидан бири дев

<sup>1</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований... - С. 34-35.

<sup>2</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований... - С. 28-29.

бўлиб, қадимги даврлар мифологиясида у бир қанча ижобий хислатлар эгаси эканлиги қайд қилиб ўтилади. Хоразмда тарқалган ривоятларга кўра дев қурувчи ва сангтарошлар ҳомийси ҳисобланиб, меҳнат ва машаққатларга бардошли, садоқатли ошиқ сифатида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Хоразм дostonларида дев мифологик киффасини муайян даражага ўзгартира бошлаган бўлса-да, мазкур образ зардуштийликдан олдинги даврларга оид ҳомийлик хусусиятларининг айрим кирраларини сақлаб қолган. Улар париларга эш бўлиб келиши, ҳомийлик қилиши мумкин бўлгани ҳолда, асосан, ёвузлик хусусиятига эга эмаслиги билан ажралиб туради.

Ёзма адабиёт намуналарида дев, даставвал, Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида учрайди. Унда ёмонлик оламига бошчилик қилувчи Аҳриман ва унинг сон-саноксиз девлари инсоният бахт-саодатига қарши қурашувчи ёвузлик тимсоли тарзида талқин қилинади<sup>2</sup>.

Навоий ижодида дев ўзининг ҳақиқий маъноси билан бир қаторда рамзий мазмун касб этиб, «нафс деви», «хижрон кечаси» маъноларини англатади<sup>3</sup>.

Диссертацияда замонлар ўтиши билан мифологик образларнинг, хусусан, девнинг моҳияти, киффаси ўзгара боргани ҳақидаги халқ қарашларига ёзма адабиёт билан боғлиқ асарлар таҳлили орқали муайян муносабат билдирилди.

Ўзида турфа хил сифатларни мужассамлаштирган дев образи узок асрлар давомида адабиётимизда кенг қўлланилиб келинмоқда. Огаҳий маҳоратини кузатиш мақсадида «Эй кўнгул» мусамманидаги айрим байтларига мурожаат қиламиз:

*Муддаийлар базми ул моҳға манзилдурур,  
Девлар хайли пари рухсорига восилдурур,  
Турфа кўргилким, пари ҳам девга мойилдурур,  
Девнинг доғи паридин мақсади ҳосилдурур,  
Лаҳза-лаҳза айш ила ишратлари комилдурур.  
Чун алар б: р-бирининг васли била дилхушдурур,  
Иш манга дарди фиروق ичра баса мушқилдурур –*

<sup>1</sup> Қаранг: Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. - М.-Л.: Изд. АН СССР, 1948. С. 74-75; Снесарев Г.П. Юкоридаги асар. 29-бет.

<sup>2</sup> Фирдавсий. Шохнома/ Тарж. Ш. Шомухамедов. К. 1. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1975.

<sup>3</sup> Навоий. Фарход ва Ширин. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1989. 107-б.



*Ким, бу дардимга топилмас ҳеч дармон, эй кунгул*

(2.241).

Юкоридаги сатрлар замирида Хоразмда тарқалган дев ва пари ҳақидаги ривоят ва афсоналар жой олган. Ривоятларни билиш ва эсга олишимиз байт маъносини туғри тушунишимизга ёрдам беради<sup>1</sup>. Бу ўринда лирик қаҳрамон дев ва парининг бири-бирига бўлган илиқ муносабатини хотирлаб, айрилиқ туфайли ўзининг маҳзун ва дардли кайфиятини ифодаламоқда.

Огаҳий лирикасида қўлланилган демонологик образлардан яна бири аждар бўлиб, Г.П.Снесаревнинг гувоҳлик беришича, Ажи-Дхака (Даҳок) номли «Авесто» қаҳрамонига бориб тақалувчи бу образ анчагина архаик характер касб этади. У бениҳоя узун гавдаси, ўт пуркаши, учраган нарсани домига тортиши, ёш йигит ёки кизларни қурбонлик учун талаб этиши, ёхуд хазинага кўрикчилик қилиши сингари сифатларга эга.

Ишда Дж.Фрезер, Г.П.Снесарев тадқиқотлари, халқ эртақ ва дostonлари, А.Навоий ва Фирдавсий каби ижодкорларнинг асарлари асосида аждар образининг ўзига хос жиҳатлари, тарихий асослари, тадрижий такомилли, бадий-эстетик вазифалари ҳақида мулоҳазалар юритилди.

Огаҳий шеърини кузатишда, аждар образидан таъриф ва тавсифда, ўхшатиш ва сифатлашларда кенг фойдаланилганлиги кўзга ташланади:

*Гисулариму ул юз устида макон эткан,*

*Ганж узра ва ё икки аждарму экан оё (I.63)*

Байтда аждарнинг хазинани кўриклаш хусусиятидан фойдаланиб, маъшуканинг юз ва сочи таърифи келтирилади.

Анъанавий рамзий образлар инсоний қиёфага нисбатан қўлланилаётгандек туюлса ҳам, улар орқали маҳбуба ҳусни латофатига маҳлиё бўлган ошиқ ҳайратларини, илоҳий ҳусн гузаллигининг беназирлигини англаш мумкин.

Тотемистик ва анимистик қарашлар билан боғлиқ бўлган ит образи ўзида турли хил функцияларни мужассамлаштирган бўлиб, итнинг тоза ҳайвон сифатида улуғланиши Ўрта Осиё халқларининг анъана ва маросимлари таркибида сақланиб қолган<sup>2</sup>.

Ит «Авесто»да мўътабар жонзот сифатида улуғланиб, уни

<sup>1</sup> Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1948. – С. 23-24.

<sup>2</sup> Саримсоков Б. Маросим ва фольклор театри // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. – № 2. – 33-39-бетлар.

ўлдириш гуноҳ саналган. Шариат ва мусулмон анъаналарида ит ҳақидаги қарашлар торая борган. Шариат итга нисбатан салбий муносабатда бўлиб, уни ифлос ҳайвон деб ҳисоблаган.

Маҳаллий сўфизм эса итнинг муқаддас саналиши ҳақидаги мусулмонликкача бўлган халқ инонч-эътиқодларини қабул қилган ва сақлаб қолган<sup>1</sup>.

Шеърятда ит рамзий образ бўлиб, у орқали турли хил фикр-мулоҳазалар ифодаланadi.

Оғаҳий дунёқаршида ит ҳақидаги қадимий қарашлар билан бирга исломий таълимот излари ҳам кузатилади. Ит рамзи орқали мазкур жониворга хос яхши ва ёмон жиҳатлар кишиларга, айниқса, ошиқлар ҳолатига кўчирилади, фалсафий хулосалар чиқарилади:

*Кўйида рақиб айлар кургач мани юз дашном,*

*Ул навъки бўлғай ит урмакка гадо боис (I.135)*

Байтнинг мазмунига «итнинг иши гадо билан» деган халқ мақоли сингдирилган бўлиб, ирсол ул-масал санъати қўлланилган. Бу тасвирий восита лирик қаҳрамон қалб кечинмаларини гавдалантириб беришга, рақибда итга хос хислатлар: бахиллик, тегмаганга тегиш, кўра олмаслик мавжудлигини кўрсатишга хизмат қилган.

«Гадо» тасаввуфда ихлосманд ва садоқатли солиқ, «рақиб» эса душман, нафс ва шайтон маъноларида қўлланилади. Бунда шоир ит образи орқали хоксорлигидан, руҳий тугёнларидан баҳс этиб, ишқда садоқатни намоён этган.

Тадқиқотда ит ва унинг асосий хусусиятлари мажозий ва ҳақиқий ишқнинг изтиробларини, ижтимоий ҳаёт муаммоларини, шоирнинг фалсафий қарашларини ақс эттиришда восита ролини бажаргани Оғаҳийнинг энг гузал байтлари таҳлили асосида кўрсатиб берилди.

Оғаҳий Шарқ адабиётидаги бадий санъатлардан ҳам ижодий фойдаланиб, поэтик воситалар имкониятларини кенгайтирди ва уларни янада бойитди. Диссертацияда мифологик образлар билан бир қаторда шоир ижодида энг кўп қўлланилган ташбеҳ, талмех, ирсол, ул-масал, муболага, истиора, такрор, таносуб, тажоҳули ориф ва бошқа кўплаб санъатларнинг шоир лирикасида қўлланилиши ва уларнинг вазифалари хусусидаги мулоҳазалар ҳам илгари сурилди.

<sup>1</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований... 319-321-бетлар.

Биринчи боб ниҳоясида билдирилган фикрлардан келиб чиқувчи умумлашмалар мухтасар тарзда хулосаланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Диний-тарихий сиймолар талқини» деб номланган... Ушбу бобнинг «Пайғамбарлар образи» номли биринчи фаслида ёзма адабиётда кенг қўлланиладиган Исо, Юсуф, Айюб, Нух, Сулаймон каби образларнинг мумтоз шеърларда тутган ўрни Огаҳий лирикаси асосида кўрсатиб берилди.

Ислом дини билан боғлиқ пайғамбарлар образи Қуръони Карим ва фольклор асарлари орқали ёзма адабиётга кўчган. Шоирларимиз маълум бир ғоявий-бадий ниятда бу образларга хос сифатларга ишора қилиб ўтишади. Натижада «...жодкорнинг тафаккур меваси сифатида янги образлар ва ифода тасвир воситалари майдонга келади»<sup>1</sup>.

Профессор Х.Кароматов миллий хусусиятларнинг умумий слом ва умуминсоний башоратлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлишини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>. Демак, қуръоний мавзу ва образларнинг ўзбек адабиётига ўтишини Огаҳий лирикаси мисолида кузатиш адабиётнинг муайян даврига хос миллий оҳанглари, диний-дидактик ва бадий асарларнинг Қуръон матни билан синтезини атрофлича ёритишга имкон беради.

Ёзма адабиёт ва фольклорда кўп учрайдиган образлардан бири Исо бўлиб, унинг асосий сифати жонсизга жон ато этишдан иборатдир. Исонинг жонсиз баданга руҳ киритиш усуллари: силлаш, дуо қилиш, пуфлаш ва бошқалардан иборат бўлиб, у ҳақдаги маълумотларнинг кўпчилиги Қуръони Карим ҳамда «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби асарлар орқали бизгача етиб келган<sup>3</sup>.

Огаҳий лирик мерсида баҳор, наврўз талқинига бағишланган шеърлар алоҳида ўрин тутиб, шоир баҳор фаслининг ўзига хос фазилатларини, наврўзнинг бутун инсоният учун қувонч, бахт эканлигини бетақрор лавҳаларда акс эттириб беради. Бунда шоир Исо образининг сифатларидан пейзажнинг ёрқин ва гўзал тасвирини яратиш учун ҳам фойдаланади:

*Эсти офоқ ичра ҳар сори ҳавойи руҳ баҳи,  
Жонфизиолигда дами Исони айлаб шармсор (1.200).*

<sup>1</sup> Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1995. 88-бет.

<sup>2</sup> Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. 5-6-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. «Ол-и Имрон» сураси, 48-49-бетлар; Навоий А. Тарихи анбиё ва ҳукамо // Асарлар. 15 томлик. Т. 15. – Т.: Бадиий адабиёт, 1968. 232-бет.



ўлдириш гуноҳ саналган. Шариат ва мусулмон анъаналарида ит ҳақидаги қарашлар торая борган. Шариат итга нисбатан салбий муносабатда бўлиб, уни ифлос ҳайвон деб ҳисоблаган.

Маҳаллий сўфизм эса итнинг муқаддас саналиши ҳақидаги мусулмонликкача бўлган халқ инонч-эътиқодларини қабул қилган ва сақлаб қолган<sup>1</sup>.

Шеърятда ит рамзий образ бўлиб, у орқали турли хил фикр-мулоҳазалар ифодаланadi.

Огаҳий дунёқаршида ит ҳақидаги қадимий қарашлар билан бирга исломий таълимот излари ҳам кузатилади. Ит рамзи орқали мазкур жониворга хос яхши ва ёмон жиҳатлар кишиларга, айниқса, ошиқлар ҳолатига кўчирилади, фалсафий хулосалар чиқарилади:

*Кўйида рақиб айлар кўргач мани юз дашном,  
Ул навъки бўлгай ит урмакка гадо боис (I.135)*

Байтнинг мазмунига «итнинг иши гадо билан» деган халқ мақоли сингдирилган бўлиб, ирсол ул-масал санъати қўлланилган. Бу тасвирий восита лирик қаҳрамон қалб кечинмаларини гавдалантириб беришга, рақибда итга хос хислатлар: бахиллик, тегмаганга тегиш, кўра олмаслик мавжудлигини кўрсатишга хизмат қилган.

«Гадо» тасаввуфга ихлосманд ва садоқатли солиқ, «рақиб» эса душман, нафс ва шайтон маъноларида қўлланилади. Бунда шоир ит образи орқали хоксорлигидан, руҳий туғёнларидан баҳс этиб, ишқда садоқатни намоён этган.

Тадқиқотда ит ва унинг асосий хусусиятлари мажозий ва ҳақиқий ишқнинг изтиробларини, ижтимоий ҳаёт муаммоларини, шоирнинг фалсафий қарашларини акс эттиришда восита ролини бажаргани Огаҳийнинг энг гўзал байтлари таҳлили асосида кўрсатиб берилди.

Огаҳий Шарқ адабиётидаги бадий санъатлардан ҳам ижодий фойдаланиб, поэтик воситалар имкониятларини кенгайтди ва уларни янада бойитди. Диссертацияда мифологик образлар билан бир қаторда шоир ижодида энг кўп қўлланилган ташбеҳ, талмех, ирсол, ул-масал, муболага, истиора, такрор, таносуб, тажохули ориф ва бошқа кўплаб санъатларнинг шоир лирикасида қўлланилиши ва уларнинг вазифалари хусусидаги мулоҳазалар ҳам илгари сурилди.

<sup>1</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований... 319-321-бетлар.

Биринчи боб ниҳоясида билдирилган фикрлардан келиб чиқувчи умумлашмалар мухтасар тарзда хулосаланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Диний-тарихий сиймолар талқини» деб номланган. Ушбу бобнинг «Пайгамбарлар образи» номли биринчи фаслида ёзма адабиётда кенг қўлланиладиган Исо, Юсуф, Айюб, Нух, Сулаймон каби образларнинг мумтоз шеърларда тугатган ўрни Огаҳий лирикаси асосида кўрсатиб берилди.

Ислом дини билан боғлиқ пайгамбарлар образи Қуръони Карим ва фольклор асарлари орқали ёзма адабиётга кўчган. Шоирларимиз маълум бир ғоявий-бадий ниятда бу образларга хос сифатларга ишора қилиб ўтишади. Натижада «...ижодкорнинг тафаккур меваси сифатида янги образлар ва ифода тасвир воситалари майдонга келади»<sup>1</sup>.

Профессор Х.Кароматов миллий хусусиятларнинг умумислом ва умуминсоний башоратлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлишини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>. Демак, қуръоний мавзу ва образларнинг ўзбек адабиётига ўтишини Огаҳий лирикаси мисолида кузатиш адабиётнинг муайян даврига хос миллий оҳангларни, диний-дидактик ва бадий асарларнинг Қуръон матни билан синтезини атрофлича ёритишга имкон беради.

Ёзма адабиёт ва фольклорда кўп учрайдиган образлардан бири Исо бўлиб, унинг асосий сифати жонсизга жон ато этишдан иборатдир. Исонинг жонсиз баданга руҳ киритиш усуллари: силлаш, дуо қилиш, пуфлаш ва бошқалардан иборат бўлиб, у ҳақдаги маълумотларнинг кўпчилиги Қуръони Карим ҳамда «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби асарлар орқали бизгача етиб келган<sup>3</sup>.

Огаҳий лирик мерсида баҳор, наврўз талқинига бағишланган шеърлар алоҳида ўрин тутиб, шоир баҳор фаслининг ўзига хос фазилятларини, наврўзнинг бутун инсоният учун қувонч, бахт эканлигини бетакрор лавҳаларда акс эттириб беради. Бунда шоир Исо образининг сифатларидан пейзажнинг ёрқин ва гўзал тасвирини яратиш учун ҳам фойдаланади:

*Эсти офоқ ичра ҳар сори ҳавойи руҳ баши,  
Жонфизиолигда дами Исони айлаб шармсор (1.200).*

<sup>1</sup> Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1995. 88-бет.

<sup>2</sup> Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. 5-6-бетлар.

<sup>3</sup> Каранг: Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. «Ол-и Имрон» сураси, 48-49-бетлар; Навоий А. Тарихи анбиё ва ҳукамо // Асарлар. 15 томлик. Т. 15. - Т.: Бадиий адабиёт, 1968. 232-бет.

Куръони Каримда зикр этилган пайғамбарлардан яна бири Юсуф бўлиб, у ҳақдаги тасвирларда, даставвал, Юсуфнинг ташқи гузаллиги ва чиройли амаллар қилганлиги: айрилиқ ва мусибатга чидамли, золимлик ва зинокорликдан сақланувчи, руҳ покизаллигини асрагувчи, хушмуомала, олиҳиммат, Аллоҳ ибодатига берилган, маънавий юксак садоқатли ошиқ сифатида тилга олинади<sup>1</sup>.

Огаҳий ўз шеърларида Юсуфга хос бўлган мазкур сифатларни алоҳида байтлар қатига сингдириб, маъшуқани улуғлаш учун қиёсан қўллайди. Маъшуқ ҳуснини, фазилатларини Юсуфдан устун кўяди. Чоҳи Бобил, Моҳи Канъон, Яъқуб сингари қўлланган тимсоллар Юсуф образини тўлдиради, ошиқ ва маъшуқанинг турли ҳолатларини, мажозий ва ҳақиқий ишқ изтиробларини ёритиб беради:

*Хирадур сансиз кўзим, кўргуз юзингниким, эрур  
Кўрса Юсуфнинг жамолин дийдаи Яъқуб ҳуб (I.102).*

Куръон ва бошқа диний-тарихий манбаларда ўғли ҳажрида куйиб-ёнган Яъқубнинг кўзи кўр бўлиб қолгани, Юсуф кўйлагини суртгач, кўзи очилгани айтилади.

Юқоридаги байтда шоир ёрнинг жамолини Юсуфга, ошиқни эса айрилиқда ўртаниб кўр бўлиб қолган Яъқубга ўхшатади. Юсуф хушxabаридан Яъқуб кўзи очилгани каби ёр жамолини кўрсатиши билан ошиқнинг кўзи равшан тортиши муқаррарлиги айтилади. Бундай байтлар орқали ишқнинг қудрати кўрсатилиб, айрилиқнинг давоси висол эканлиги уқтирилади.

Куръонда зикр этилган пайғамбарлардан бири Нух бўлиб, у ҳақдаги қарашларнинг кенг тарқалишида Ислом динининг роли катта бўлган. Унинг бош белгиси сув тошқинидан тирик жонзотларни асраб қолгани ва узоқ умр кўргани билан белгиланади. Огаҳий лирикасида мазкур образ алоҳида ўрин тутиб, у ишқий саргузаштларни баён этишда, ҳаёт сабоқлари ҳақида инсонларга насихат беришда катта аҳамият касб этади:

*Еру кўкни не тонг ашким суви гарқ этсаким, йўқтур  
Қошида Нух тўфони бир-икки қатра шудрунеча(2.40)*

Байтда шоир даҳилатли тўфон воқеасига ишора қилиб, лирик қаҳрамоннинг қисматини ёрқинроқ акс эттириб беради. Маъшуқа инжикликларидан ўртаниб, тинимсиз кўз ёш тукаётган

<sup>1</sup> Қаранг: Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. «Юсуф» сураси. 152-163-бетлар; Рабғузий. Қисаси Рабғузий. К. 1. - Т.: Ёзувчи, 1990; Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо // Асарлар. 15 томлик. 15-том. 1968.



ошиқнинг муболагали тасвири орқали у чекаётган ғам-аламларнинг чексиз эканлиги кўрсатиб берилади.

Огаҳий лирикасида фаол мурожаат этилган образлардан бири Айюб бўлиб, мум.эз шеърятимизда Айюб образи энг кўп Огаҳий лирикасида учрайди. Шоир орифона, ошиқона, диний мазмундаги шеърларида бу образга мурожаат этган. Муҳаббат ва висол йўлида Айюбдек балога сабр этишга ва шу йўл билан мақсадга етишга ундайди:

*Эй кўнгул, васл истасанг сабр эт балоу дардга  
Ким, муқарриб тангрига бу шевадин Айюб эрур. (1.203)*

Сулаймон образига хос бош сифатлар: ҳақсиз ҳокимият, куч-қудрат манбан бўлган узуги ва мўъжизавий тахт эгаси эканлиги бўлиб, барча тирик мавжудотлар: шамол, инс-жин, дев-алвастилар унинг ҳукмида эканлиги билан бел.иланади. Огаҳий лирикасида мазкур образ ўзининг турли жиҳатлари билан намоён бўлади.

Ривоятларга кўра Сулаймон заҳматкаш чумолини ниҳоятда қадрлаган экан<sup>1</sup>. Шу боис мумтоз шеърятда кўпинча ёр Сулаймонга, ошиқ эса чумолига ўхшатилади.

Муниснинг куйидаги байтида бу ҳолат шундай ифода этилади:

*Тараб тахти уза эрдим Сулаймон  
Ғамингдин ул сифатким мўр қилди<sup>2</sup>.*

Огаҳий лирикасида бу воқеа ўзининг янгича талқинини топган. Шоир куйидаги китъасида шоҳга қилган хамтарона шеър тухфасини чумолининг Сулаймонга ҳадя қилган чигиртка оёғига ўхшатади:

*Йўқки галат айладим бир хаста мўр,  
Чеккуси пойи малах тухфа Сулаймон сари (1.43).*

Иккинчи бобнинг «Тарихий-адабий қахрамонлар образи» деб аталган кейинги фаслида Қорун, Искандар, Мажнун каби образлар ҳақида сўз юритилди. Огаҳий шеърятда кўп учрайдиган бу образларнинг ёзма адабиётга кириб келиши, мумтоз шеърятда ижодкорнинг ғоявий-эстетик, ижтимоий-фалсафий қарашларини акс эттиришдаги ролини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. К. 2. – Т., 1991. 32-55-бетлар; Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо // Асарлар. 15 томлик. Т.15. – Т., 1969. 224-229-бетлар;

<sup>2</sup> Мунис. Сайланма. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. 146-бет.

7. Огаҳийнинг ижодкор сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар қаторида ислом билан боғлиқ образларнинг истиоравий-мажозий моҳиятини кузатиш ниҳоятда муҳимдир. Бу орқали адабиётдаги миллий оҳанглари, қуръоний ғоялар мазмунининг ўзлаштирилиш даражасини, шоир лирикасидаги исломий маърифат ва диний эътиқод изларини англаб етиш мумкин. Бу эса Огаҳийнинг ижодкор сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган заминнинг ўрнини тўғри белгилашга ёрдам беради.

8. Мифологик образларнинг халқ дунёқараши, эътиқодлари, этнографияси билан боғлиқ тарзда оғзакидан ёзма шаклга ўтишини кузатиш, огаҳийона поэтик талқинларини тадқиқ этиш ўзбек адабиёти тараққиётининг барча босқичларида фольклор билан узвий боғлиқликда тараққий этганини кўрсатади.

9. Огаҳийнинг ҳиссий-руҳий олами ғоятда теран ва чексиз бўлиб, образларга хос сифатлар шоир хаёллари-ю образлар дунёсида ташбеҳ ва ифода миқёси жихатидан чиҳоятда кенгайган.

10. Шоир лирикасида лирик қаҳрамоннинг руҳий-маънавий оламини ифодалашда анъанавий образлар алоҳида ўрин тутди. Шоир мазкур образлар воситасида ошиқнинг зоҳирий ва ботиний дунёсини моҳирона тасвирловчи гўзал поэтик лавҳалар яратган.

11. Огаҳий мумтоз адабиётимиз тасаввуфий мантиғига хос анъананинг ижодий давомчиси саналиб, унинг лирик шеъриятида садоқат, сабру қаноат, ҳалоллик, иймон, эътиқод, ирода, шукр, хокисерлик сингари туйгулар ифодаланган. Бундай сифат ва хусусиятларни акс эттиришда шоир мифологик, диний-тарихий образлардан моҳирона фойдаланган.

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги ишларда ўз ифодасини топган:

1. Огаҳий лирикасида Сулаймон образининг поэтик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2000. - № 3. - Б. 47-48.

2. «...Ки бу зулмат ичида неча Йскандар адошибдур» // Шарқ юлдузи. - 2000. - № 3-4. - Б. 155-156.

3. Афсоналар сўзлар тарихдан // Фан ва турмуш. - 2000. - № 4. - Б. 12-13.

4. «Сарбаланд ўлғай губорим...» // Ёшлик. - 2000. - № 1. - Б. 57.

5. Теран ва бетакрор // Соғлом авлод учун. - 2000. - № 6. - Б. 28-29.

6. Огаҳий ижодида космогоник мифология талқини // Огаҳий абадияти: (Мақолалар, эсселар). - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 118-125.

7. Юсуф образи Огаҳий талқинида // Огаҳий абадияти: (Мақолалар, эсселар). - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 126-130.

8. Огаҳий ижодида халқчилик негизлари // Филологик тадқиқотлар. К. 1. - Урганч, 1998. - Б. 10-16.

9. Огаҳий ва Кайғовус // Филологик тадқиқотлар. К. 1. - Урганч, 1998. - Б. 23-30.

10. Огаҳий таржималари халқ донолиги хазинаси // Филологик тадқиқотлар. К. 1. - Урганч, 1998. - Б. 30-33.

11. Огаҳий ғазалиётида афоризмлар // Филологик тадқиқотлар. К. 2. - Урганч, 1999. - Б. 58-63.

12. Огаҳий лирикасида халқ мақоллари // Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий анжумани материаллари. - Урганч, 1999. - Б. 30-31.



## РЕЗЮМЕ

## диссертации МАТЯКУБОВОЙ Тозагуль «Поэтика традиционных образов в творчестве Огахи»

Вопросы исторических взаимоотношений между классической поэзией и литературоведением представляют собой важнейший объект филологической науки, ибо изучение их проливает свет на формирование национальной культуры. Безусловно, исследование этой взаимосвязи целесообразно проводить на основе изучения творчества того или иного представителя классической поэзии, всестороннего анализа его метода, мировоззрения, художественного мастерства.

В узбекском литературоведении написан целый ряд работ, посвященный деятельности Мухаммада Риза Огахи как замечательного поэта, переводчика, историка. Однако до настоящего времени его многогранное творчество не рассматривалось специально во взаимоотношении с традиционными образами мифологии, религиозно-обрядовой и классической поэзии в отдельном монографическом исследовании.

В данной диссертации на конкретных примерах показаны внутренние связи лирического наследия Огахи с традиционными образами. Наряду с этим в ней рассматриваются на основе художественных приемов автора неповторимость и своеобразие его поэтического дарования.

Диссертация состоит из введения, двух глав, заключения и библиографии использованной литературы.

В вводной части работы освещаются актуальность проблемы, научная новизна, степень ее разработанности, теоретическая и практическая значимость исследования.

Первая глава диссертации озаглавлена «Мифологические образы как средство поэтических приемов». В ней отмечается использование поэтом Огахи таких мифологических образов, как Хызр, пери, аждар, а также расшифровывается при этом цель авторского творческого замысла. В диссертации уделено особое внимание роли мифологических образов для более яркого художественного изображения различных внутренних переживаний лирических героев. Философско-эстетические взгляды Огахи рассмотрены путем комментирования его бесценных бейтов.

Во второй главе диссертации дается толкование облику религиозных и исторических фигур (Исо, Юсуф, Нух, Искандер,

Меджнун). Обращение Огахи к этим образам дает ему возможность полнокровней выразить духовный мир своих героев.

В заключении представлены основные положения и выводы, полученные в ходе исследования.

AYIDURAYYAM JIJIVADY

... ..

... ..

... ..

... ..

... ..

... ..

... ..

## SUMMARY

Poetry of Ogakhi and folk creative work

TOSAGUL MATYAKUBOVA

In Uzbek literature study a number of works devoted to Mukhammad Riza Ogakhi activity as a remarkable poet, translator, historian were written. However, his many-sided creative work was not specially considered in interrelation with folklore separately as a monographic research till now.

The thesis consists of an introduction, 2 chapters, a conclusion and a reference-list.

In the introduction the problem actuality the scientific novelty, the background, the theoretical and practical importance of the work is illuminated.

The 1<sup>st</sup> chapter is named as «The mythological images as a way of poetic device». In it, the mythological images used by Ogakhi as Khizr, peri, ajdar are noted and the aim of author's creative intention is interpreted, too. In the thesis, a special attention is paid to the role of mythological images for more vivid artistic reflection of different intrinsic emotional experience of lyric heroes. The philosophical and aesthetic views of Ogakhi are considered by the way of commentation of his valuable wonderful beys.

In the 2<sup>nd</sup>-chapter the interpretation of religious and historical appearances (Iso, Vousuph, Nukh, Iskander, Medjnun) is given. Ogakhi's appeal to these images gives him an opportunity to express fully the spiritual world of this heroes.

At the end the main statements and conclusions obtained in the course of reserch are presented.



Подписано в печать 9 11.2001 г.  
Печ. л. 1,0. Тираж 100. Заказ №54.  
Отпечатано в типографии Института "Кибернетики".  
г. Ташкент, ул. Ф.Ходжаева, 34.